



Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Харакатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#32 01.06.2012

“ТЕЖАМКОР ИҚТИСОД”

Ўзбекистонда собиқ СССР раҳбари Л.И.Брежневнинг “Иқтисод тежамкор бўлиши лозим” деган таълимоти ҳаётга тўла тadbик этилмоқда.



Советлар салтанатининг йўлбошчиларидан бири бўлган Л.И.Брежнев ўз вақтида мазмун жиҳатдан “асрларга татигулик” бир шиор кўтариб чиққан ва 285 миллионлик аҳолига эга бўлган буюк бир империя бир қанча йиллар давомида ана шу шиор-метафора билан яшаб келган эди. Бу шиор шундай жаранглар эди: **“Экономика должна быть экономной”**. Ўзбек тилига ўгирилганида, бу шиор ўзининг “жарангдор”лигини бир оз йўқотиб, шундай янграр эди: **“Иқтисод тежамкор бўлмоғи лозим”**. Қизиғи шундаки, совет тadbқи-қотчиларидан биронтаси иқтисод қандай қилиб “тежамкор” бўлиши мумкинлигини, тежамкор бўлган иқтисод қандай бўлишини тушунтириб бера олгани йўқ. Балки, бу: “иқтисодни тежаб-тежаб ишлатайлик, иқтисоднинг ўрнига эса, халққа кўпроқ шиор ва ташбеҳлар берайлик”, деганидир, ким билади... Аммо бугунги Ўзбекистонимизда кечаётган ҳаёт мисолида “тежамкор иқтисод” ҳақдаги бу мажознинг унчалик ҳам мавҳум назария эмаслиги ўз исботини топмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ўзининг табиий бойликлари билан, айниқса, газ билан минтақадаги энг бой жумҳуриятлардан бири ҳисобланарди. Ўзбекистон ўлкадаги газни, узоқ йиллар мобайнида ўзининг табиий газ захираларини “келажак авлодлар учун” дея консервация қилиб қўйган Русияга текинга бериб келди ва энди оз қолган газини тежаш мақсадида баъзи бир тadbирлар кўра бошлади. Бу тadbирлардан бири – газ қувурларига аҳолини газни тежаб ишлатишга мажбур қиладиган “счётчик”лар ўрнатиш тadbиридир. Аммо бу тadbир ҳам халқнинг ночор аҳволи туфайли, яъни, “счётчик”лар сотиб олишга қурби етмагани туфайли аросатда қолиб кетмоқда. Ҳануз “иқтисод тежамкор бўлмоғи керак” шиори остида яшаётган мутасаддилар халққа “счётчик”ни бепул ўрнатиб беришни хаёлларига ҳам келтирмай, катта “тежамкорлик” намунасини кўрсатмоқдалар. Халқнинг “тежамкорлиги” эса, бундан ҳам ошиб тушаётир: гугурт сотиб олишга ҳам қийналиб қолган халқимиз ҳар бир гугурт чўпини авайлаб-асраб, тежаш мақсадида газни ўчирмай, эртаю-кеч ёқиб қўйиб, умргузаронлик қилмоқда. Хуллас, юртимизда собиқ Совет Иттифоқи раҳбари Л.И.Брежневнинг “Иқтисод тежамкор бўлиши лозим” деган таълимоти ҳаётга тўла тadbик этилмоқда.

Мақсуд Бекжон

РЕГИСТОН”НИНГ ЯНГИ СОНИДА НИМАЛАР БОР?

Ўзбекистон халқ ҳаракати ташкилотининг Канада бўлими фаоллари, аввал хабар берганимиздек, 2005 йилги Андижон қатлиомини хотирлаб, 13 май куни Ванкувер шаҳрида пикет уюштиришган эди.
(Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТДА “УРУШ” ҲОЗИРЛИКЛАРИ

Аммо шу нарса ҳақиқатки, Илом Каримов мана 23 йилдир Ўзбекистонни ўз соясидан кўрққан холда бошқариб келмоқда.
(Давоми 2-бетда)

СУРХОНДАРЁДА ХАЛҚ КАРИМОВНИ ЛАЪНАТЛАМОҚДА

Сурхондарёнинг “Хўжамулк” қишлоғига Москвадан 13 та ўлик жасад ортилган автомобилалар коллонаси келтирилди...
(Давоми 2-бетда)

“ЎЗБЕКИСТОНДА МАЙИТЛАР ҲАМ ЦОРА МАНБАЙГА АЙЛАНДИ...”

Ўзбекистон парламенти ва Бош прокуратурасига кўра, мамлакатнинг турли вилоятларидаги қабристонлар ҳаробага айланган, айрим ҳудудларда мазорларга келиб тушган эҳсонларни ўзлаштириш ҳоллари мавжуд.
(Давоми 3-бетда)

“ҲАҚ ДИНГА ГУВОҲЛИК БЕРГАН КИТОБ”

Воқеаларнинг аҳамияти уларга биз берган аҳамият ва кадр-қимматга қараб ошади. Энг муҳим воқеалар ҳам, агар инсонлар унинг қадрига етиб, уни улуғламасалар, аҳамияти жиҳатдан оддий, кундалик бир воқеага айланиб қолиши ва ҳатто охир-оқибат ўз хусусиятини тўла йўқотиши ҳам мумкин.

(Давоми 4-бетда)

ЎШ ҚИРҒИНИДАГИ УЧИНЧИ КУЧЛАР – РОССИЯ БЎЛИБ ЧИҚДИ!

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев 2010 йил июнидаги Ўш қирғини ташқи кучлар иштирокида содир этилгани аниқланганини билдирди.

(Давоми 4-бетда)

РЕГИСТОН"НИНГ ЯНГИ СОНИДА НИМАЛАР БОР?

Ўзбекистон халқ ҳаракати ташкилотининг Канада бўлими фаоллари, аввал хабар берганимиздек, 2005 йилги Андижон қатлиомини хотирлаб, 13 май куни Ванкувер шаҳрида пикет уюштиришган эди. Шу ҳафтанинг бошида, "Ванкувер экспресс" газетасининг "РЕГИСТОН" саҳифаси эса тўлалигича Андижон фожеасига бағишланди. Рус тилида нашр этиладиган кўп ададли бу газетатаги илова тарзида чоп этиладиган "РЕГИСТОН", ЎХХ Канада бўлимининг саҳифаси ҳисобланади. Ушбу саҳифада ЎХХнинг фаоллари Канадалик ўқувчиларни Ўзбекистондаги бугунги сиёсий ва ижтимоий вазият билан таништиришади шунингдек, ўзбек



мухолифатининг диктатурани йиқиш йўлидаги ҳаракатларини ёритиб боради. Саҳифанинг бу сониди ўқувчилар диққатига, ЎХХнинг раиси, ўзбек мухолифатининг етакчиси Муҳаммад

Солиҳнинг "Азия плюс" нашрига берган интервьюси ҳавола этилган. Айтиб ўтиш жоизки, мухолифат етакчисининг интервьюлари ва шеърлари "РЕГИСТОН" саҳифасида доимий чоп этилиб борилаёпти. Бунинг натижаси ўларок, Канадалик русийзабон газета шинавандалари бугун Муҳаммад Солиҳ ва ўзбек мухолифати ҳақида яхши билишади. "РЕГИСТОН"нинг ушбу сони, юқорида айтиб ўтганимиздек, Андижондаги қонли воқеаларнинг 7 йиллигига бағишланди. Бобир майдонида содир бўлган қирғин ҳақидаги мақолалар, нуфузли халқаро экспертларнинг интервьюлари билан бир қаторда, ЎХХ Канада бўлими фаоллари ўтказган хотира пикети ҳақидаги расмлар ҳам саҳифада чоп этилган.

Улўзбек Хайдаров

ТОШКЕНТДА "УРУШ" ҲОЗИРЛИКЛАРИ

Ҳукуматнинг ҳуфяси Узметроном сайтининг хабар беришича шу йилнинг 26 май куни Тошкентда ҳарбийлар терроризм билан кураш машқлари ўтказган.

Хуфя сайт бу машқларнинг Россия Президентлигига "янги" сайланган Путиннинг ва АҚШ конгресс аъзоларининг Тошкентга кутिलाётган давлат ташрифига алоқаси бўлиши мумкинлигини тахмин қилади. Бўлса бордир.

Аммо шу нарса ҳақиқатки, Ислом Қаримов мана 23 йилдир Ўзбекистонни ўз соясидан кўрққан ҳолда бошқариб келмоқда. Бунинг сабаби бутун золимларнинг ўта кўрқоқликлари ва ҳамма нарсадан ҳадиксирашлардир.

Чунки золимлар ўзлари қилган қонунсизликларнинг жавобсиз қолмасликларини ва зулмлари учун жавоб беришга тўғри келишини яхши биладилар.

Аммо И.Қаримов фақатгина золим эмас, ниҳоятда маккор диктатор ҳамдир. Демак, яқинда худди 1999 йилда бўлгани каби Тошкентда ёки Самарқандда портлашлар "содир" бўлиши (яъни ИАКнинг буйруғи билан) мумкин.

Ҳозир машқ қилаётган ҳарбийлар эса ўша куни террорист Қаримов уюштирган портлаш жойларига мустақил журналистлар ва кузатувчиларни киритмаслик "санъатини" ўрганаётган бўлишлари мумкин.

Фурқатбек

Аввалига фуқаролар орасида "Қумқўрғонга, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Қаримовнинг келиши кутилмоқда..." деган миш-миш тарқалди. Айнан ўша куни кўчалар, ҳиёбонлар, ариқ-зовурлар тозаланди, оқартирув ишлари олиб борилди. Корхона ва ташкилотлар, мактаб ҳамда коллеж ўқувчилари тозалик-ободонлаштириш ишларига жалб қилинди.

Ҳар бир кўчага туман ИИБ ва туман

СУРХОНДАРЁДА ХАЛҚ КАРИМОВНИ ЛАЪНАТЛАМОҚДА

2012 йилнинг 6 апрель куни тонги соати 10-00 да Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманига қарашли, "Хўжамулк" қишлоғига 13 та ўлик жасадлар ортилган автомашиналар коллонаси Россия давлатининг под Москва шаҳридан келтирилди...

МХХ ходимларидан иборат шахслар бириктирилди.

Енгил ва оғир машиналар кўчалардан олиб ташланди. Бозорлар ва савдо дўконлари ёпилди. Вилоят ИИБга қарашли "ДАН" ходимлари томонидан кўчадан ўтаётган ҳар бир машина ва фуқаролар шахси текширилди. Тожикистон билан чегарадош бўлган, Сурхондарё вилоятининг Узун, Сарийосиё, Денов, Шўрчи туманларининг йуллари беркитилди. Қумқўрғон туманига келиб-кетувчиларнинг шахси аниқланиб, фуқароларнинг ҳавфсизлигини тўла таъминлаш, вилоят МХХнинг зиммасига юклатилди. Шу куни Қумқўрғон туманига келтирилган 13 та ўлик жасадлар ортилган машиналар ортидан, етти ёшдан, етмиш ёшгача бўлган фуқаролар "Хўжамулк" қишлоғида тўфондай ёғилди.

Айнан шу куни, яъни жума куни "Қиёмат-қойим" содир бўлди, деса ҳам хато бўлмайди... Машиналардан махсус яшиқларда 13 жасад туширилди. Майит эгаллари,

яъни ота-оналар фарзандарининг жасадларини кўриб, дод-фарёд кўтаришди. Бир наҳадон соҳиби Чориевлар оиласига тегишли бўлган, тўртта жасадни кўрган ота-онаси ва қариндошлари хушларидан кетиб қолишди. 13 та жасаднинг деярли ҳаммаси 15-18, 20-25 ёшни ташкил этарди... Чеккада ИИБи ходимлари орқасида манзарага шохид бўлган халқ бу ҳолатни кўриб, Ислом Қаримов шаънига лаънатлар айтишди.

"Энди бу оилаларнинг дод-фарёдини ким эшитади? Ун учта ўликнинг ҳаққини ким тўлайди?! Эй, Аллоҳ! Бу мамлакат раҳбарларига бало-ю, қазойингни юборгин! Аллоҳ! Бу бандаларингни гуноҳларини ўзинг кечиргин!" деб икки қўлларини осмонга кўтаришиб нолаю-фиғон қилдилар.

Уша куни соати 13-00 да 13 ёш йигитнинг жанозаси ўқилди ва "Хўжамулк"даги қабристонга вилоят ва туман ИИБининг ходимларининг назорати остида дафн қилинди...

Мансуржон Фозилов



Парламент ва прокуратура қабристонлардаги аҳволни танқид қилди

Ўзбекистон парламенти ва Бош прокуратурасига кўра, мамлакатнинг турли вилоятларидаги қабристонлар харобага айланган, айрим ҳудудларда мазорларга келиб тушган эҳсонларни ўзлаштириш ҳоллари мавжуд. Назорат қилувчи идоралар қабристонларнинг абгор аҳволга келиб қолганига ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ер ресурслари ва кадастр каби расмий ташкилотлар айбдор эканини билдирган. Прокуратурага кўра, сўнгги бир неча ой ичида қабристонлар ободлигига эътибор бермаган 44 нафар мансабдор оғоҳлантирилган, 258 нафари маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилган.

“ЎЗБЕКИСТОНДА МАЙИТЛАР ҲАМ ПОРА МАНБАИГА АЙЛАНДИ...”

Ўзбекистонда дафн этиш жойларининг давлат ҳокимияти органлари тасарруфига ўтказиш ва “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонуни ижроси Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида муҳокама этилди.

Бозорга айланган мазор

24 май куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонуннинг Наманган, Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги ижроси муҳокама қилинган. Ушбу қонуннинг 4-моддасида дафн этиш жойларининг туман, шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфига олиши белгиланган. Парламент матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, ушбу қонуний талабга қарамасдан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қабристонларни ўз қарамоғига олишни пайсалга солиб келмоқда. Масалан, Хоразм вилоятидаги 552 та қабристоннинг 82 таси маҳаллий ҳокимият тасарруфига олинмаган. Қайд этилишича, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги дафн этиш жойларида санитария-эпидемиология назоратига эътибор бермаган. Натижада, зикр этилган вилоятлардаги аксар мазорлар абгор ҳолга келиб қолган. Депутатларга кўра, қабристонлар ҳудудида мол боқиш, мевали кўчатлар ва қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ҳолатлари кузатилмоқда. Ўрганишларда Пешкў туманидаги “Хўжа Пешкў”, “Қўрғонтепа” қабристонларида товўқхона ва қўйхона ташкил

этилгани, Мингбулоқ туманидаги “Қозоқовул” қабристониди тарвуз, шоли ва маккажўхори етиштирилаётгани аниқланган. Расмий идораларга кўра, бу каби ҳолатлар бошқа вилоятларда ҳам рўй бермоқда. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Фахриддин Зоировнинг айтишича, Ўзбекистонда бундан буён маҳаллий ҳокимиятлар қабристонлар ободлиги учун масъулиятни тўлиқ зиммасига олади:

- Бу билан боғлиқ янги қонун қабул қилинган. Шу қонун асосида дафн этиш жойлари қонунийлаштирилиб, ҳокимиятлар уларни ўз балансига олиши керак. Аввалги эски тартиб бўйича қабристонлар ҳал хил идоралар, маҳалаларни тасарруфида бўлиб келган, қабристонларни аҳволи учун жавоб берадиган ягона бир

тузилма бўлмаган. Энди давлат, маҳаллий ҳокимиятлар ҳаммасини ўзини балансига олиб, таъмирлаб, йўлларини қилиб, атрофини ўраб, сув билан таъминлаб, коммуникация ўрнатади, дейди Олий мажлис депутати Фахриддин Зоиров.

Бош прокуратура вакили Маҳкам Воҳидов “Хуқуқ” газетасига маълум қилишича, Сирдарё, Наманган, Фарғона вилоятларида қабристонларга келиб тушаётган эҳсон пулларини ўзлаштириш ҳоллари фош этилган. Парламент томонидан эса эҳсон пулларидан мақсадли фойдаланмаслик Хоразмнинг Урганч, Қўшкўпир, Шовот каби шаҳар ва туманларида ҳам мавжудлиги билдирилган.

“Ҳокимият қабристонга пул ажратмаяпти”

Қабристон муаммосига эътибор қаратган парламент ҳам, прокуратура ҳам бир масалада яқдил фикрда эканини кўриш мумкин: қабристонлар ободлигига масъул маҳаллий ҳокимликлар маблағ ажратишдан бўйин товламақда. Бош прокуратура вакили М.Воҳидовга кўра, Қўқондаги 14 та, Эллиққалъадаги 21 та, Ғаллаоролдаги 78 та



қабристоннинг фаолияти учун ҳокимликлар умуман маблағ ажратмаган. – Ўзбекистонда даромад келтирадиган соҳалар ҳокимликлардан ортмайди. Бу кундай равшан нарса. Ҳокимлик уч-тўрт сўм чиқадиган савдо нуқталари, фирмаларга қаттиқ ёпишади. Лекин қабристонлар у қадар катта фойда келтирмайдиди, шунинг учун ҳам эътибор берилмаяпти. Гўристонларни обод қилиш маҳалладаги одамларнинг гарданидаги вазифа бўлиб қоляпти, дейди наманганлик Ҳаким ака.

Дарвоқе, парламент зикр этилган вилоятларда дафн жойларининг асосий қисми электр энергияси билан таъминланмаганини қайд этган.

Бироқ наманганлик Ҳаким ака каби аксар фуқаролар яшаш жойларида электр таъминоти жиддий муаммо бўлиб турган пайтда қабристонларда электр йўқлигини айтмаса ҳам бўлади, деб ҳисоблайди.

Айни пайтда, ўзбек жамиятида серҳашам хилхоналар қуриш орқали молу давлатини кўз-кўзлашга тушган бойваччалар ҳақида ҳам танқидий фикрлар айтилмоқда.

Шунингдек, рангли ва қимматбаҳо маъданлардан ясалган сағана панжараларини ўғирлаётган тоифа пайдо бўлгани хусусида хавотирлар мавжуд.

Дафн билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги қонуни 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган. 2011 йил 4 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қарори чиққан.

Кузатувчиларга кўра, сўнгги пайтларда Ўзбекистон матбуотида қабристонлардаги ачинарли ҳолатга бағишланган қатор мақолалар эълон қилинмоқда, маҳаллаларда тарғибот тадбирлари кўпаймоқда. “Маҳалла” жамғармаси бу борада йил давомида республика бўйлаб 13 мингга яқин тадбир ўтказгани ҳақида хабар тарқатган.

ozodlik.org дан олинди

Воқеаларнинг аҳамияти уларга биз берган аҳамият ва қадр-қимматга қараб ошади. Энг муҳим воқеалар ҳам, агар инсонлар унинг қадрига етиб, уни улуғламасалар, аҳамияти жиҳатдан оддий, кундалик бир воқеага айланиб қолиши ва ҳатто охир-оқибат ўз хусусиятини тўла йўқотиши ҳам мумкин. Масалан, 1990 йилда қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси, бу ғоя учун курашган бир ҳовуч зиёлиларни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистон жамоатчилиги тарафидан деярли лоқайд кутиб олинди, десак бўлади.

“ҲАҚ ДИНГА ГУВОҲЛИК БЕРГАН КИТОБ”

Агар Совет Иттифоқи ўз-ўзидан кулаб кетмаганида, бу декларацияга қарши бўлганлар, уни қўллаб-қувватлаганлардан бир неча баробар кўп булиши мумкинлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди, зотан, бу декларация эълон қилинганидан бир йил ўтмай, мамлакат аҳолисининг асосий қисми Ўзбекистон мустақиллигига қарши овоз берди. Албатта, бу ерда референдумда берилган овозлар сохталаштирилгани ҳақда ҳам мунозара қилиш мумкин, аммо, ўйлайманки, жамиятимиздаги маънавий-зеҳний иқлим билан озгина таниш бўлган инсон референдумда бундай сохталаштиришларга эҳтиёж ҳам бўлмаганлигини тахмин қила олади. Бугун ислом уммати ҳам улар аҳамият беришлари лозим бўлган ана шундай буюк бир воқеа қошида турибдилар. Бу воқеа – бундан 12 йил олдин Туркия божхоначилари томонидан контрабандистлар қўлидан олинби, мусодара қилинган ва шу пайтгача полиция хавфсизлик бўлимининг ашёвий далиллар архивида сақланиб, факат Туркия этнографик музейи уни ўрганиш учун беришларини сўраганидан сўнггина ушбу музей илтиёрига топширилган, тахминан 5-6 асрларга оид, Исо пайғамбарнинг ўқувчиларидан ҳисобланган Варнава қаламига мансублиги айтилаётган Инжил китобининг топиллидир. Ушбу Инжилнинг мусулмонлар учун аҳамияти шундаки, унда, тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоху алайҳи вассаламнинг Аллоҳ тарафидан дунёга сўнгги пайғамбар сифатида юборилиши башорат қилинган. Инжилнинг бу нусхаси ҳақида пайғамбаримиз ҳақидаги ривоятларда, ҳадисларда ҳам айтилган, ҳатто ривоятлардан бирида бир насроний зоҳиднинг пайғамбаримиз 6 ёшида экан, унинг бўлажак пайғамбар эканлигини сифатларига қараб айтиб бергани ва уни қадимдан башорат қилинган ўлим хатаридан сақлаб қолгани айтилади.

Бу китоб ҳақда илк бор тантанавор оҳангда гапира бошлаган Эроннинг

“The Basij Press” ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, китобнинг 41-чи саҳифасида: “Аллоҳ гизланди, зеро, Фаршга Жаброил алайҳиссалом уларни (Одам ва Хавони) кўқдан идора қилиб турарди, шунда, Одам алайҳиссалом ўгирилиб, кўк юзи дарвозаси тепасида “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулаллоҳ” деган ёзувни кўрди” дея ёзилади. Бундан ташқари, Эрон ахборот агентлиги хабарига кўра, китобда Исо алайҳиссаломнинг хочга тортилмагани ва у Муҳаммад саллолоху алайҳи

вассалламнинг пайғамбар сифатида ерга юборилажани башорат қилгани ҳақда ҳам ёзилган.

Аслида, ўз динининг ҳақиқий эканлигига гувоҳлик берувчи бундай муҳим бир китоб мусулмонлардан бошқа бир диний жамоа динига оид бўлганида улар бу китоб ҳақда аллақачон бутун дунёга жар солган бўлар ва ўз диний манфатлари йўлида ундан фойдаланган бўлар эдилар. Ҳали ҳозир ҳам бу китобга энг кўп қизиқиш кўрсатаётган томон мусулмонлар эмас, Ватикан бўлиб қолмоқда.

Албатта, мусулмонларнинг бундай китобнинг пайдо бўлишига кўрсатаётган совуққонлигини шундай ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, бу совуққонлик заъмирида асрлардир ислом уммати ичида “аҳли китоб”нинг, яъний, насроний ва яҳудийларнинг адашган ва мушрик эканликлари ва Аллоҳнинг китобини ўзларига мослаб, ўзгартирганликлари ҳақида Аллоҳ томонидан берилган хабарлар ётибди ва энди мусулмонлар Инжилнинг ўзгартирилмаган, ҳақиқий нусхаси топилганидан сўнг ҳам, инерция ҳолатида ушбу китобларга бўлган ўзларининг илгариги муносабатларини ўзгартира олмаяптилар, деб талқин ҳам қилиш мумкин. Яъний, бу ерда мусулмонлар тарозисининг бир палласида “аҳли китоб” тарафидан Аллоҳнинг энг сўнгги пайғамбари Муҳаммад саллолоху алайҳи вассалламнинг Ҳақ пайғамбари эканлигининг тан олинishi турган бўлса, иккинчи палласида айнан мана шу китоб орқали мусулмонлар тарафидан “адашганлар”нинг ҳам Ислом ичига қайтаётгани ҳақида ақл бовар қилмас фикр, ҳазм қилиш қийин бўлган воқелик турибди, дейиш мумкин.

Нима бўлганда ҳам, мусулмонлар бугунги кунда ўз динини унга қарши олиб борилаётган кенг жабҳадаги босқилардан муҳофаза этар эканлар, ўз динига оид бундай муҳим хабар тарғиботида суст қолаётганлари афсусланарлидир.

Мақсуд Бекжон,
ЎХХ Норвегия бўлими раиси

ЎШ ҚИРҒИНИДАГИ УЧИНЧИ КУЧЛАР – РОССИЯ БЎЛИБ ЧИҚДИ!

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев 2010 йил июнидаги Ўш қирғини ташқи кучлар иштирокида содир этилгани аниқланганини билдирди. “Қаримов: “Қирғизистон жанубидаги 2010 йил воқеаларига ташқи кучларнинг бевосита таъсири бўлган”, деб очик айтган эди. Бу гап ҳақиқат”, – деган эди А.Атамбаев.

27 май куни Қирғизистон Миллий хавфсизлик кўмитаси (КНБ) раиси Шамил Атаханов парламентда қилган чиқишида бу маълумотни тасдиқлади. Лекин Атамбаев ҳам, Атаханов ҳам бу махсус хизмат қайси давлатга тегишли эканини очикламади.

Қирғизистон КНБ расмийси Нурлан Токталиев:

- Махсус хизматларининг ўз ишлаш услуби бор. Биз кўп маълумотларни ошкор эта олмаймиз. Бизда мавжуд оператив маълумотларга асосланган ҳолда, бу масалани халқаро шартномалар доирасида ҳал этамиз, – деди.

Ўш қирғини кунлари Жалолобод вилоятига ҳокимлик қилган Бектур Асанов ҳам бу борада маълумотларга эга эканини айтган. Унга кўра, Ўш қирғини бошланишидан аввал учинчи давлат вакиллари унинг олдида келиб, мамлакат жанубида Қирғизистон Демократик республикаси ташкил этиш, Қирғизистонда парламент бошқаруви жорий этилишига қарши чиқиш таклифларини киритишган.

- Улар мендан Муваққат ҳукуматни қўлламаслигимни талаб қилишди. Улар конституциявий ислохотни бошқа ўзанга буриб, парламент бошқарувини бекор қилиш ва президентлик бошқарувини сақлаб қолиш учун курашиш керак, деб айтишган. Мен уларга “Бу сизларнинг ишингиз эмас, бу Қирғизистоннинг ички масаласи”, деб жавоб берганман. Уларнинг ким эканини, қайси давлат вакиллари эканини Ўш қирғинини ўрганган миллий комиссияга очик-ойдин айтганман. Лекин Миллий комиссия менинг кўрсатмаларимни ҳисоботга киритган эмас, – деди Бектур Асанов. Аммо қайси давлатнинг вакиллари эканини Асанов негадир айтолмаган.

Миллий комиссия раиси Тўқун Мамитов қай давлат вакиллари эканини ниҳоят айтиб берди:

- Бектур Асанов менга ўзининг олдида келган одамлар Россиядан эканини айтди. Улардан бири депутат, иккинчиси генерал экан.

Мен унга: “Иккита фамилияни, уларнинг қайси давлат вакили эканини айтаяпсиз, аммо фактларни айтишдан бош торгаяпсиз. Мен сизнинг баёнотингизни ҳисоботга кирита олмайман”, деб айтганман, – деди Тўқун Мамитов.



СУРХОНДАРЁДА АЁЛЛАРНИ “БИЧИШ”МОҚДА!

Куни-кеча Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани “Газа” маҳалласида яшовчи собиқ ўқувчи Очил Ҳасановга қарашли бўлган боғда, чақолоқни ташлаб кетганлиги маълум бўлди. Очил аканинг сўзига қараганда: “Мен боғда молларимни ўтлатиб юргандим, боғимизнинг пастки қисмида чақалоқ йиғисининг овози эшитилгандай бўлди. Боғнинг пастки қисмида ҳеч ким кўринмайдиган жойда, ўғил бола чақалоқ, қип-ёлонғоч ҳолда, ўт-ўланлар устида қонга беланган ҳолда йиғлаб ётган экан. Тезда устимдаги чопонимни ечиб, болани бағримга босдим-да, Бойсун туман Марказий шифохонасининг “Роддом” бўлимига олиб бордим. У ерда мендан боланинг ота-онасини сўрашди. Мен ташландиқ бола эканлигини тушунтирдим. Шундан сўнг улар, туман ИИБи ва прокуратура органларига хабар беришди... Ушбу ташландиқ боланинг онаси, “Газа” маҳалласида яшовчи 16 ёшдаги фуқаро, Санобар Маматқуловага тегишли эканлиги маълум бўлди. Боланинг “ота”си эса, шу маҳаллада яшовчи фуқаро Шавкат Эргашев бўлиб чиқди. Санобар Маматқулованинг ота-оналари қизнинг Шавкат исмли фуқародан оғир оёқ эканлигини билишганлар. Лекин ҳеч кимга ошкор қилишмаган. Суриштирув ишларини олиб борган туман ИИБининг ходимларига маълум бўлишича, “Санобар Маматқуловани алдаш йўли билан номусига тегиб, унинг олдида бир нечта талабларни қўйган. Ҳусусан, Шавкат Эргашев, “агар шифохонага бориб болани олдирадиган бўлсанг, сени улар бир умр туғишдан маҳрум қилишади, майб-мажруҳ бўлиб қолсан, бу дунёда фарзанд доғида куйиб-ёниб ўтасан. Сенинг аёллик йўлларингни “пичиб” ташлашади...” деб айтган. Шундан сўнг, Санобар Маматқулова шифохонага бориб туғишдан бош тортган. Тўққиз ойи, тўққиз кун болани она қорнида

кўтариб юрган Санобар, ой куни етганидан сўнг, 9 май куни ота-онасининг уйида туққан. “Ота” эса, дунёга келтирган ўз фарзандидан бош тортмоқда...

“Юқоридан келган маҳсус топшириққа асосланиб, моддий жиҳатдан шароити оғир, оилалар тўғрисида маълумотлар туман маҳалла фаоллари орқали, “Роддом” бўлимига берилди. Ушандан сўнг, ҳар бир ёш бўлажак оналарга “операция”

қилиш тўғрисида маълумотлар берилмайди. Шифокорлар, “Сиз туғишга қийналасиз, “операция” йўли билан туғишингизни осонлаштирамиз” деб ёш оналарни битта ёки иккита фарзандларидан сўнг, “бичиш” йўли билан аёлларнинг бола туғиш йўлдош йўлларини тикиб ташлашади. Агар бу тўғрисида баъзи бир аёлларга маълум бўлса, шифокорлар “Сизга туғишни олдини олиш учун, “маҳсус спираль қўйганмиз...” деб алдашади.

Шифокорлар ёш оналарни ўзларига туғишга рухсат беришмайди. Туғишга келган оилаларни дарҳол “операция столи”га олиб юқоридан келган маҳсус топшириққа асосланиб чора кўришади. Шу биргина “операция”ортидан жабр кўрган аёллар сони кейинги вақтларда жуда кўпайиб кетди. Ҳусусан, Бойсун тумани Марказий шифохонасининг шифокори, Гулнора Қозиеванинг эҳтиётсизлиги туфайли, бир йил ичида ўнта аёл майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Баъзи ёш оилалар оламдан кўз юмди. Баъзи бирлари эса, оиласидан ажралди...” дейди биз билан суҳбатлашган нафақа ёшидаги кекса шифокор, Гулсара опа Рамазонова. Кейинги беш йил ичида, Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли, “Туғруқхона”ларга ўз фарзандларини дунёга келтиришдан бош тортмоқдалар. Бўлажак оналар ўз уйларига туғишни афзал кўришмоқда. Уларга доялик қилиш учун, нафақа ёшидаги собиқ шифокорлар ва кекса ёшдаги онахонлар ёрдам бериб келишмоқда. Мақоламиз сўнггида шуни маълум қилмоқчимиз-ки, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Қумқўрғон, Денов, Ангор, Жарқўрғон ва бошқа туманлари бола туғиш кўрсаткичлари бўйича, Ўзбекистон Республикасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда...

Мансуржон Фозилов
мустақил журналист

БИЗ ҚАНЧАЛИК “БАХТЛИ” ЯШАЙМИЗ?

Яқинда Ўзбекистонлик бир мактаб ўқитувчисини мактаб ўқувчиларини доскага чиқариб ураётгани суратга олиниб youtube порталига қўйилган видеони кўргандим. Кейин уни ЎХХ сайтига ҳам қўйгандик. Мен ўша видеони ўзим ўқийдиган мактабдаги швед ўқитувчимга кўрсатдим. Шу видеони кўриб у киши хайратини яширолмай қолди: “Сизларда шунақа болаларни уришадими” дея, қайта қайта сўради. “Ҳа”, дедим. “Агар Швецияда ким шундай қилса, полиция ушлаб қамоққа олиб кетади” – деди у. Мен “Швецияда мактаб болаларини ҳеч уришмаганми?” десам, у “Ҳа бундан юз йил олдин уришган. Охирги юз йил ичида бу жиноят ҳисобланади” деб, жавоб берди. Хуллас, бу видео мактабдагилар орасида шов-шув бўлди. Таиландлик аёллар ҳам уларнинг юртида мактаб болаларини уришмаслиги таъкидлашди. Хуллас, синфдошларим Украина, Россия, Ироқ ҳатто Сомалилик мухожирлар ҳам улар томонда мактабларда болаларни урмаслигини ва бу жиноят ҳисобланишини айтишди. Афғонистонликлар эса мактабга умуман бормаганликларини айтишди. Мен улардан “Сизларни ҳукумат болаларни пахта теришга ёки бошқа турли ишларга мажбуран ишга жалб қилишадими?” деб сўрадим. Бу саволга улар бир овоздан “Йўқ” деб, жавоб беришди. Мен улардан “Қайси бирларининг мамлакатида Президенти 20 йилдан бери яққа ўзи давлат тепасида ўтирибди?” деб сўрадим. Уларнинг бирортаси бунақаси борлигини тан олишмади. Африкаликларга қайта-қайта савол бериб, “Сизларда соқол қўйгани учун, ёки аёллар рўмол ўраган учун тазйик қилинадими?” деб сўрасам, ҳайрон бўлишди. Соқол учун қаерда тазйик қилишади? Ҳайрон бўлади улар. Мен “Бизларда кунига икки соат ток ёнади холос. Сизларда қанча вақт ток бўлади уйларингизда?” десам, ҳаммаси кулиб юборишди. Маълум бўлишича уларда ток умуман ўчмас экан. Хуллас, мен билан ўқиётганлар ичида бирортасининг юртида бизники каби фуқароларига зулм ва тазйиклар қилинмас экан. Мен Афғонистон ва Африка мамлакатларидан Ўзбекистон халқи анча тузукроқ яшаса керак, деб ўйлардим. Энди билсам, хато ўйлабман. Улар биздан анча яхшироқ аҳволда яшар эканлар. Мен эса бунини ўзбек халқи тушунмаслигини ва улар ўзлари яшаётган ҳаётини “энг бахтли ҳаёт” деб ҳисоблашларини ва шу ҳаёт учун диктаторга раҳматлар айтиб яшашга мажбур эканликларини ўйлаб, анча кайфиятим бузилди.

М. Абутов



КАРВОНБОШИМИ Ё НАРВОНБОШИ?

Баъзида мақолаларнинг долзарблиги вақт ўтган сайин озайиш ўрнига тобора кучайиб боради, афсуски, Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга доир сўнгги ўн йиллар ичида ёзган мақолаларимда ана шундай “долзарблик” тенденциясини кузатмоқдам. 1998 йилда ёзилган қуйидаги мақоланинг долзарблиги, бугун, наздимда, ўша мақола ёзилган пайтдагидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этмоқда.

“Халқ сўзи” газетининг 1998 йил 16 октябр кунги сонидида “Ўзбекистон минтақавий карвонбоши” номли улкан мақола чоп этилди. Мақола сарлавҳаси тагидаги изоҳдан ушбу мақоланинг “Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели мавзуда халқаро илмий-амалий конференциядан сўнгги мулоҳазлар” эканлигидан вокиф буламиз.

Мақола сарлавҳасининг ўзиданок собиқ совет пропагандасига хос ялтоқилик уфуриб туради. Муаллиф Ўзбекистонни “минтақавий карвонбоши” деб улғурлар экан, гап қандай карвон ҳақида кетаётгани ва бу карвоннинг манзили қаерда экани ҳақида бир сўз демайди. Карвон, одатда, бир манзилни кўзлаб йўлга отланган туялардан ташкил топади. Урта Осиё туяларини бир хил йўналишда кетаяпти, деб бўладими? Йўқ, албатта. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон каби давлатлар ҳар бири ўз билганича, турлича йўналиш ва тезликда фақат ўзлари кўзлаган манзил сари кетмоқдалар. Ўзбекистонимизнинг ҳам, ҳаммага маълумки, “ўзига хос ва мос ўз йўли”, яъний, “ўзбек модели” бор. Шундай экан, бу ерда карвон ҳақида, айниқса, “карвонбоши” ҳақида гапириш беўриндир. Мақолада шундай ёзилади: “Ўзбекистонда ҳамдўстлик давлатлари орасида ишлаб чиқаришнинг энг кам пасайишига эришилди”. Журналистнинг жумла тузиш услубига қаранг, жумла худди: “биз чуқурликка энг кам тушишга эришдик”, деган гап сингари масхаромуз эшитилади. Журналистнинг жумла тузиш услубида бугун Ўзбекистонда ҳукм сураётган барча тушунчаларни тескари, манфий нисбатда ишлатиш тенденцияси тантана килиб туради.

Масалан, ҳокимият “тинчлик ўрнатилди”, деган суз ўрнига “уруш ва тўполонларнинг олди олинди”, деган жумлани ишлатишни яхши

кўради. Бундай жумла тузиш намуналарини мақола давомидаги мана бу иқтибосларда ҳам кўриш мумкин: “Ялпи ички маҳсулот 1997 йилда 1990 йилга нисбатан фақатгина 13 фоизга тушди. 1996 йилга нисбатан эса, унинг ҳажми 5,2 фоизга ошди. Саноат ишлаб чиқариш 6,5 фоизга, ялпи кишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш 5,8 фоизга, капитал маблағ ҳажми 17 фоизга кўпайди. 1998 йилнинг биринчи ярмида ҳам барқарор иқтисодий ўсиш кузатилди”. Соддароқ ўқувчи бу “ошди”, “кўпайди”, “ўсди”

каби кулоққа ёқадиغان сўзлардан аллаланиб, ширин уйкуга толиши ҳеч гап эмас.

Аслида, бу “ошди”, “ўсди” деган таърифлар иқтисоднинг 1990 йилдаги юксак савиясига нисбатан эмас, балки, мамлакат иқтисоди кескин пастга шўнгиган 1996 йилга нисбат берилароқ келтирилмоқда. Юқорида айтганимиздек, ҳокимият ўзининг бугунги сиёсатини оқлаш учун доим мусбат нуктадан эмас, манфий нуктадан, ижобий нуктадан эмас, салбий нуктадан келиб чиқиб, жумла ясади. Масалан, ўтмишдаги Совет Иттифоқи, манфий кутб ўлароқ, бугунги “мустақилликни мустаҳкамлаш” қабилидаги тарғиботга (ўз вақтида мустақилликка қарши ашаддий кураш олиб борган Ислом Каримов қандай килиб мустақилликни мустаҳкамлаши мумкин?), Тожикистон ёки Қирғизистондаги сиёсий чиқишлар эса, манфий кутб улароқ, ўлкада ўтказилаётган давлат террори сиёсатини оқлашга хизмат қилдирилади ва ҳақозо.

Энди Ўзбекистонда чиқадиغان яна бир нашр “Бизнес Осиё” номли журналнинг шу йил 15 октябр кунги сонидида чоп этилган маълумотларни келтирамиз: “1998 йилнинг январь-август ойларида МДХнинг олти давлатида саноат ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсган, тўрт давлатда эса, камайган. МДХ давлатлараро статистика кўмитаси тайёрлаган маълумотлар ана шундан далолат беради. Ушбу маълумотларга кўра, ишлаб чиқаришнинг ўсиши Беларусда 12 фоиз, Қирғизистонда 11,5 фоиз, Тожикистонда 8,9 фоиз, Ўзбекистонда эса 5,7 фоизга ошган”. Кўриб турганимиздек, карвонбошиликка даъвогарлик қилаётган Ўзбекистонимиздаги саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши нафақат кичкинагина жумхурият бўлган Қирғизистондагидан, балки, худудида қарийб 8 йилдан бери уруш кетаётган Тожикистондагидан ҳам пастроқ экан.

Мақолада яна шундай ёзилади: “Давлат томонидан кучли молиявий

ва солиқ сиёсати юргизирилиши натижасида кейинги йилларда давлат бюджетининг камомади ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 4 фоиздан ошмаяпти”. Яна ўша манфий нисбат, яна ўша “биз соғломмиз”, деган жумла ўрнида ишлатилаётган “биз ҳали ўлганимизча йўқ” қабилидаги жумла! Яна ўша: “корнимиз оч, ишсизмиз, бизга иш беринг”, деган халққа ҳукуматнинг: “тинчгина, уруш-қиргинсиз ўтирганларингга шукр қилмайсанларми”, деган жавоби.

Хўп, “давлат томонидан кучли молиявий ва солиқ сиёсати юргизилгани” ҳақдаги гапга қайтайлик. Биринчидан, Ўзбекистон каби ресурсларга бой, советлардан қолган кучли саноий базага ва етарлича ишчи кучига эга ва ҳар жиҳатдан барқарор бир ўлка учун бюджет камомадининг 4 фоиздан кўпроқ ошмаётгани асло мактанадиган ҳол эмас. Аслида, давлат бюджетини тўла маҳв бўлишдан сақлаб турган нарса – юргизилаётган “оқилон” сиёсат эмас, балки, халқнинг, асосан, колхозчи ва деҳқонларнинг сабр-қаноати, уларнинг текинга ишлаб келаётганидир. Мамлакат аҳолисининг мутлоқ кўпчилигини ташкил этадиган ва 5 йилдан бери маош ўрнига қуртлаган макарон олаётган “жамоа” ва “фермер” хўжаликларидаги инсонларнинг берилмаган ҳақлари талон-тарож қилинган, илма-тешик бўлиб кетган давлат бюджетига ямоқ сифатида ишлатилмоқда.

Мақолада яна шуларни ўқиймиз: “Қаъбий пул-кредит сиёсати ва бошқа макроиқтисодий тадбирлар олиб борилиши натижасида, агар 1994 йилда инфляциянинг ўртacha ойлик ўсиш суръати 23,3 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилга келиб эса, 2,0 фоизга тушди”.

Ўзбекистондаги “қаъбий пул-кредит сиёсати” нимадан иборатлигини ҳамма яхши билади, бу – валюта операцияларини деярли тўхтатиб қўйиш йули билан “сўм”нинг қийматини сунъий равишда ушлаб туриш сиёсатидир. Бундай табдирдан сўнг жуда кўп хорижий ширкатлар ўлкани тарк этишга мажбур бўлдилар. Хўш, бу билан “сўм”нинг кадрсизланиши тўхтатилдими? Йўқ. Аксинча, бу табдир ҳукумат ҳомийлиги остида фаолият юргизаётган бир неча ширкатга давлат ғазнасини омонсиз талон-тарож қилишга кенг йўл очиб берди. Ҳукуматдаги одамларга қарашли бўлган бу ширкатлар, давлат ғазнасидаги валюта захираларини “конуний равишда”, арзон, яъний, ҳукумат белгилаган нарҳда сотиб олиб, уни шу ердаги бошқа ширкатларга ёки шахсларга “қора бозор” нарҳида сота бошладилар. Олинаётган улкан фойда, албатта, бундай “ажойиб” конунларни чиқариб қўйганлар билан баҳам кўрилмоқда. Сўмнинг ҳукумат томонидан бегиланган сунъий нарҳи билан (\$1 – 110 сўм), ҳақиқий нарҳи (\$1 – 460 сўм) ўртасидаги тафовут, жарликка давлатнинг, яъни, халқимизнинг оғир меҳнат билан топган миллиардлари тушиб ғойиб бўлмоқда.

(Давоми кейинги бетда)



АҚШ КАРИМОВ РЕЖИМИНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

АҚШ Давлат департаменти дунёдаги инсон ҳуқуқларига оид йиллик ҳисоботида Ўзбекистонни “инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият ўта абгор қолаётган” давлатлар қаторига киритган.

2011 йил 194 давлатда кузатишган инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият таҳлил қилинган ҳисобот рўйхати энг пастидан ўрин олган давлатлар қаторида Ўзбекистондан ташқари Шимолий Корея, Туркманистон, Сурия, Беларус ва Хитой каби мамлакатлар бор.

АҚШ Давлат департаменти қийноқлар ва маҳбусларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари тарафдан таҳқирланиши, уларни адолатли маҳкамалардан мосуво қолдирилиши, диний эркинликларга чекловларни Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари билан энг катта муаммолар сифатида қайд этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда маҳбусларнинг ташқи дунёдан узиб қўйилиши, қамоқ муддатлари узайтирилиши, турмалардаги ўта оғир шароитлар, сўз эркинлиги ва фуқаровий жамиятлар фаолияти чеклангани, мажбуран пахта йиғим-теримига жалб этиш каби инсон ҳуқуқларига зид амаллар сақланиб қолаётгани таъкидланади.

“Ўзбекистонда марказлашган бошқарув бўлими сиёсий ҳаётда ҳуқумронлик қилади ва ҳукуматнинг бошқа бўлимларини қарийб назорат қилади”, дейилади АҚШ Давлат департаменти чиқарган ҳисоботда.

Ҳукуматни танқид қилган инсон ҳуқуқлари фаоллари, журналистлар ва бошқалар таҳқирлаш, асоссиз қамоқ ва сиёсий важлар билан таъқиб этиш ҳамда ҳибсларга юз тутишлари Ўзбекистонда кузатилаётган воқеълик экани айтилади.

Бундан ташқари, ҳисоботда Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозғоғистон каби Марказий Осиё давлатларидаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ аҳвол юзасидан ҳам хавотирлар билдирилган. Шу билан бирга, АҚШ бугунга қадар ўзининг демократия ва инсон ҳуқуқларининг глобал ҳимоячиси деган имиджи доирасида бундай ҳисоботларни давомли

очиқлаб келса-да, амалда бу режимлар билан ўз манфаатлари йўлида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Шундай экан, инсон ҳуқуқлари ҳақида хавотир билдирилиши ордан бирор амалий фаолият кутилмаслиги табиий.

АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон, бу ҳисоботни тақдим этаркан, 2011 йил инсон ҳуқуқлари учун ўта катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаган. Унинг айтишича, Араб давлатларида

диктаторликдан демократия ва эркинлик томон кўпда тўполонлар, айрим ҳолларда эса, зўравонликлар воситасида ўтишга тўғри келмоқда.

Мисрни мисол келтираркан, Клинтон ўтган йилги зўравонликлар жорий ҳафта осойишта ўтган президентлик сайловларига йўл очганини урғулади.

Айни пайтда ағдарилган собиқ президент Муборак мисолидаги диктаторлик ортида бир неча ўн йиллар давомида айнан АҚШдаги сиёсий ҳокимият тургани ҳақида айтилмаган. АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси Майкл Поснер янги ҳисобот Қўшма Штатлар ўзи иқтисодий ва хавфсизлик масалаларида ҳамкорлик қилаётган мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари топталиш ҳоллари учун танқид қила олишини намойиш этишини айтган.

Ҳисоботда шунингдек, Эрондаги шароитларга ҳам диққат қаратилади. Унда Эрон ҳукумати лозим жараёнларни ўтмай, юзлаб инсонларни қатл қилгани, норозилик билдирган одамлар ҳибс қилингани ва қийноққа солингани, бошқа давлатлар билан солиштирганда энг кўп журналистлар қамоққа ташланиши қайд этилган. Шунинг ҳам эслаб ўтиш лозимки, минтақадаги АҚШ манфаатларига энг катта қарши турган режим Эрондир. Ва инсон ҳақлари ҳақидаги ҳисоботнинг деярли ҳар бирида Эрон танқид этиб келинади. Давлат департаменти ҳисоботида, Эроннинг ёнида Хитой ва Бирма ҳақида ҳам сўз юритилади. Хитой ҳам, албатта, танқид этилган, аммо Бирма баъзи ижобий ўзгаришлар томон қадам ташлагани айтилади. Бирма ҳукумати юзлаб сиёсий маҳбуслар озод қилингани, мамлакат раҳбарлари “сиёсий ислохотлар ва ярашувнинг узоқ ва мушкул жараёни”ни бошлаганлари урғуланади. АҚШ Давлат департаменти Колумбия ва Замбияни ҳам ижобий қадамлар ташлаган мамлакатлар сифатида тилга олган.

КАРВОНБОШИМИ Ё НАРВОНБОШИ?

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Карвонбоши ҳақидаги мақолада яна шундай ёзилади: “Анжуманда, айниқса, биз МДХдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ички бозоримизни хориждан сотиб олинган моллар билан тўлдиришни эмас, балки, ўз ишлаб чиқаришимизни ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва кредитларнинг асосий қисмини кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган технологияларни олиб киришга, қўшма корхоналарни ташкил қилишга сарфлаётганимиз ижобий баҳоланди”.

Ўшбу вазоратнинг гаплар муносабати билан яна “Бизнес-Осиё” журналига мурожаат қилиб, Тошкент бозоридаги энг кўп сотилаётган энгил саноат(кийим-кечак) моллари рўйхатини бир кўздан кечирайлик. Отчопар, Эски Жува, Кадишев бозорларида сотилаётган 119 хил кийим-кечак туридан фақат биттасигина Ўзбекистон моли, яна 2 таси эса, Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасидан чиқар экан. Ўзбекистон бозорларидаги қолган барча моллар Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сурия, Покистон, Хитой, Таиланд, Эрон, Полша, Болтиқбўйи давлатлари ва Россия каби давлатлардан келтирилган моллар экан. Саноат маҳсулотларининг бошқа турлари борасида ҳам ана шундай манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. “Миллий моделизм муваффақиятининг асоси, – дейилади яна мақолада, – аҳолининг тафаккур ва миллий-тарихий турмуш тарзи, халқ анъаналари, урф-одатлари ҳар томонлама эътиборга олинганидир”. Ҳа, ҳукумат режали равишда “халқнинг урф-одатлари, тафаккури, миллий яшаш тарзи”ни эътиборга олиб, уни репрессия қилаётгани тўғри: масжидлардаги азон овозлари ўчирилмоқда, намозхонлар, ҳижоб ўраган аёллар, диний уламолар, ўзгача фикрловчи ва муҳолифатчилар қатағон қилинмоқда.

“Ижтимоий жиҳатдан уюшиб(балки, “увишиб” дир? М.Б.) яшашнинг жамоа шакли(???) ўзбек халқига тарихан мос бўлиб, бу унинг азалий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир”, дейилади яна мақола давомида. Бу ердаги “уюшиб яшашнинг жамоа шакли” каби ғаройиб жумла Ўзбекистондаги ҳукумат идеологиясининг ҳақиқатан ҳам умум қабул қилинган нормалардан ташқарида эканлигини, бу сиёсатнинг том маънода “ўзига хос ва мос ўзбек модели” эканлигини намойиш этади.

Хуллас, Ўзбекистонимизнинг ҳали “минтақавий карвонбоши” бўладиган даври келгани йўқ. Юртимиз ҳозирча бугунги ҳукумат юргизаётган сиёсат туфайли, “карвонбоши” эмас, аксинча, “нарвонбоши”, яъний, нарвоннинг энг пастки, бошланғич поғонаси бўлиб қолмоқда.

Мақсуд Бекжон

Ўзбекистонда каттаю кичик даражадаги ҳокимларнинг муштумзўрлигию сўқонғичлиги ҳақида халқ орасида гап-сўзлар юради. Озодлик муштарийларидан бири Блогистонга юборган мақоласи шу ҳақда. Кўпчилик ҳокимларни халқ орасида “муштумзўр ва сўқонғич” ҳоким бўлган Шавкат Мирзиёев эришган чўққилар тинч кўймаётган кўринади. 29.05.2012 Ўзбекистондаги ўрта асрларга хос феодал бошқарув услуби, давлат ҳокимияти органлари вакилларининг маънавий қиёфаси масаласи ҳақида аввал ҳам кўп гапирилган.

Сийқаси чиққанига қарамай мавзу жозибатор, чунки ҳар биримизнинг ҳаётимизга кўп жиҳатдан дахлдор бир масала бўлгани учун ҳам бу борада ўйламослик мумкин эмас. Боз устига, мамлакат мустақилликка эришганидан кейинги шаклланиб келаётган идора услуби тадрижчи кузатсангиз, руҳингизни алланечук бир ваҳима эгаллайди. Ошириб юбораётганим йўқ, ҳокиму ҳукамолар, раҳбару раҳбарчалар билан ҳамнафас, уларнинг мажлисларида иштирок этган кишилар билан гурунгда бўлсангиз, муболага қилмаётганимни ҳис қиласиз. Кеча Қашқадарёга бориб келдим. Касбим тақозосига кўра, доим кулоғим динг юради. Одамларга кулоқ тутаман, ўзбек жамиятининг нимани ҳис этиб яшаётганини билишга уриниш, ҳаёт ритми ва кишиларнинг ўй-хаёлларини кузатиш нуқтаи назаридан ҳам бу муҳим. Масалан, бугунги кунда мамлакатнинг энг

йирик стратегик вилоятларидан бири бўлган Қашқадарёдаги мусохабаю гурунларнинг етакчи мавзуси иқтидордаги ҳоким масаласи экан. Боиси Туробжон Жўраев аталмиш бу одам ҳақида ўйламосликнинг иложи йўқ. У, унинг номи ҳар бир хонадонга қайсидир маънода кириб борган. Бош вазирнинг карераси “лом”дан бошланган Туроб Жўраев ҳақида гапиришдан аввал бир одамнинг ўтмишига қисқа саёҳат қилишга тўғри келади. Боиси у ҳам Жўраевнинг ҳозир босаётган йўлини одимлаган, унинг профессионал карерасини ҳам бўралатиб сўқиш, дўппослашдан бошланган, дейишади. Бу ҳозирда Ўзбекистон ҳукуматини бошқараётган Шавкат Мирзиёевдир. 1999 йилда “Хуррият” газетасида ишлаб юрган пайтларим эди. Мирзиёев ҳокимлик қилган Жиззахдан бир гуруҳ чоллар таҳририятга шикоят билан келди. Чоллар Жиззахнинг шунчаки мўйсафидлари эмас, балки бир гуруҳ ўртамаёна раҳбарларнинг оталари. Уларнинг айтишларича, вилоят ҳокими кимгадир ун заводи, кимгадир туман ҳокимлиги ва яна кимгадир ёғ заводини бериш учун 30000 дан 80000 АҚШ долларигача йиғиштириб олибди. Лекин ваъдасини бажармай, ҳукмдорнинг топшириғи билан Самарқандга ҳоким қилиб юборилибди. Пули куйган қорчалонлар тақдирга тан бермай ўзлари боришдан кўрқиб, Самарқандга оталарини юборишган. Табиийки, бўлғуси бош вазир эски

гиналарни кўтариб келган оталарни бир пиёла чой ва иззат-икром билан қарши олмайдди. Бундан ранжиган оталар ҳокимни хурматсизлик ва кексалар олдидаги одобсизлиги учун ҳукмдорга айтиш билан кўрқитишибди. Шунда ҳоким истеҳзо аралаш: “Бораверинглар, у ҳам кабинетда учта бобойни уриб ўлдирди” деган экан. Шундан сўнг чоллар кўп ёзди. Мирзиёевнинг Жиззахдаги пахта пайқалида жигарини эзиб ўлдирган талаба ҳақида ҳам, Самарқанднинг Челақ туманидаги галла майдонида мол бобой ўтирган болақайни отгани, Самарқанд тумани ҳокими, президентнинг эркатойларидан бири Раҳима Ҳакимовани дўппослагани ҳақида ҳам ҳукмдорга айтди. Оқибатда Мирзиёев орадан бир йил ўтиб, ҳукуматга раҳбар бўлди. Ушандан бери бош вазир тарихидан хабардор кишилар унинг эски хунари, сўқиши ҳақида гапиришади: “Лом тикаман”!



ШАВКАТЛИ СЌКИШ ДОҲИЙСИ

Ҳоким қочди...

Халқимизда “Ҳолвани ҳоким ейди, калтакни етим” деган мақол бор. Лекин бу мақол доим ҳам тўғри чиқавермас экан. Боиси ўтган ҳафта Қашқадарё вилояти Нишон тумани “Дўстлик” фермерлар уюшмасида вилоят фаолларининг йиғини бўлиши, унда Қашқадарё вилояти ҳокими Туроб Жўраев, вилояти ИИБ бошлиғи С. Хайдаров, республикадан вилоятга куратор ва ваколатли вакил этиб тайинланган Фавкуллода вазиятлар вазири Т. Худойбергенов катнашиши лозим эди. Ҳоким ва унинг командаси йиғилишга кетаётган, уюшмадаги “Т. Чориев” фермер хўжалиги пайқалидан ўтади ва пайқални ёввойи ўт босиб кетгани учун фермерни “Онангни...” деб сўқади. Фермер ориятли йигит экан, дарҳол укалари билан бирга 80 ёшни қоралаган онасини олиб келиб, ҳокимга рўбарў қилибди. “Отамиз ўлиб кетганидан афсусда эдик, янги оталик бўлдик” дея ҳокимнинг гарданига мушт туширади, онахон эса миришабошининг ёқасидан олади. Воқеадан хабар топган қариндошлар тўпланишиб, кишлоқнинг тор ва чанг йўлини бекитишади. Эҳтирослар жунбушга келиб, фавкуллода вазиятлар вазири ҳам довдираб қолади ва ҳокимни кечирим сўрашга, вазиятни юмшатишга чақиради. Аҳвол танглигини сезган ҳоким кечирим сўраган, аммо одамлар тинчимагач, мажлис қолдирилиб, ҳоким ва унинг командаси дала йўли орқали қочиб қолишга

улгурибди. Шу палладан ҳукмдорнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг декабр ойида ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги гаплари эсимга келди: “Жўраев, Сиз қашқадарёликларга кўпол муомалада бўлманг, улар кўрполликни кўтармайди”, деган эди у. Демак, ҳар доимгидек узокни кўра биладиган ҳукмдор Жўраевнинг номаи аъмолини башорат қилган. Лекин ҳукм қандай бўлади: Жўраев ҳозирги бош вазир каби кўтарилиб кетадими ёки пошшонинг башоратига қурбонлик келтириладими, кўрамыз.

Сўқонғичларнинг ўз жарғони бор Миллий фолклоримиз, яъни халқ оғзаки ижодининг тилга олинмайдиган жанрларидан бири сўқиш бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, у асосан катта-кичик раҳбарларимиз томонидан бойитилмоқда. Янграётган бу сўқиш-ларни ёзиб бориш ёки тўла қайд қилишнинг имкони йўқ. Аммо бот-бот кулоққа чалинадиган бу каби “сийлов”ларнинг айримларини айтиб ўтсак зарар қилмайди. Масалан, 2011 йилнинг кузида Қашқадарё вилояти Нишон тумани собиқ ҳокими Рустам Саъдуллаев “Гулистон” ММТП раиси Элмурод Жўраевни мажлисда “Қизингни...” деб сўққан. Одатда “...йбан”, “ж... лаб” деб сў-қиб, маҳаллий аҳолининг

бошини қотирадиган ҳокимнинг бу сўқиши тушунарлироқ бўлди. Туманга сўнгги бир йил давомида куратор бўлган, ҳозирда жизахликларнинг “онасини сийлаётган” Сайфиддин Умаров (Жиззах вилояти ҳокими) оддийгина қилиб, “Энангни...” деб сўқаркан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Амир Омонов эса адабий тил “нормаларига амал қилган ҳолда” Қашқадарёда ўтказилган мажлисларда йиғилганларни “Онангни...” деб ҳақоратларди. Бош вазир ўринбосари бўлиб ишлаган Ҳамидулла Қароматов Сурхондарё вилоятининг собиқ ҳокими Жўра Норалиевни Алпомишнинг 1000 йиллиги тантаналари олдидан катта йиғинда “Онангни...” деган оддий қилиб. 2000 йилларда Қашқадарёда ҳоким бўлиб ишлаган Бахтиёр Ҳамидов вилоятнинг Чирокчи тумани ҳокими Мустафо Темуровни “Аячангни...”, “Бувингни...” деб сўққанди. Маҳаллий шевага ёт бу сўқиш тури кейингиларининг олдида ҳолва экан.

Сўқишни ўрган!

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бўралагиб сўқишни, дўппослашни билган раҳбарлар узок йиллардан бери ишламоқда. Билмайдиганлари эса... дарров курсини бўшатади. Кетгандаям бадном бўлиб, шармисор бўлиб кетади. Ишларни бўшаштирганликда, бўшангликда, лапашангликда айбланиб кетади. Шунақа бизнинг келажаги буюк мамлакат. Халқ оғзаки ижоди, унинг чамбарчас қисми бўлган сўқиниш санъати ривож ва кадр топаётган ўлка.

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши ўтган сонда)

“ЭРК”НИ ТАВБАСИГА ТАЯНТИРИШ ҲАРАКАТЛАРИ

Мухаммад Солиҳ мамлакатни тарк этганидан сўнг, ҳукумат ишга киришди. Расман раҳбар бўлиб қолган «ЭРК» партияси Биринчи котиби Содикали Йигиталиев Президент саройига чақиртирилди. Саройда унга: партияни қайта рўйхатдан ўтказиб, конфискация қилинган мол мулкни қайтариб олишларингиз мумкин. Фақат бир шарт бор: Партия съездини чақириб, Мухаммад Солиҳни раислик лавозимидан олиб ташласангиз кифоя! Йигиталиев ҳукуматнинг бу лўттибозлигини сиёсий партия ўлароқ жон сақлаб қолишнинг ягона йўли деб тушунтиришга кўп уринди. Партиянинг бошқа раҳнамоларига ҳам бу йўл маъқулдек туюлди. Лекин кўпчилик қарши чиқди. Барибир партия съездини чақириб қарор қилишди. Кўпчилик нима деса шу бўлади деб бир тўхтама келишди. КГБ Мухаммад Солиҳни ўзи йўқ бўлса ҳам партия лидерлигидан олиш осон кечмаслигини яхши биларди. “ЭРК” Марказий Кенгашининг партия съездини чақириб ҳақидаги қароридан сўнг махсус ва хуфёна хизматлар кенг фронт бўйлаб партия лидерини обрўсизлантиришга киришди. Бу ишни улар партия съезидига қадар амалга оширишлари лозим эди. Қарандир “ЭРК” Марказий Кенгаши аъзоси Сафар Бекжонга бир пайтлар қандайдир музей тангасини берган нухсани излаб топишди. Унинг кўсатмасига асосан Сафар Бекжонни ҳибсга олишди. 1993 йилнинг июль ойи эди. Содикжон Йигиталиев Сафар Бекжон ҳибсда сақланаётган ИИВ ертўласига келиб бу тангани олишни ундан Мухаммад Солиҳ илтимос қилган деб кўрсатма беришини илтимос қилди. Унга ҳатто бу ҳақда олдиндан ёзиб қўйилган иқдорлик баённомасини ҳам кўрсатишади. Агар шунга имзо чекса уни ҳозирок озод қилишга ваъда беришади. Лекин Сафар Бекжон бундай ёлғон гувоҳликка қўл қўйишдан бош тортади. Уни 3,5 йилга озодликдан маҳрум этишади. . .

Ҳукумат матбуоти эса бу орада Мухаммад Солиҳ танга ўғриси деган ўйдирма асосида уни айбловчи кампанияни бошлаб юборади. Бу иш бир ой давом этади. “Ўғри қим?” деган энг сўнгги мақола эса “Ўзбекистон овози” газетасида съездга уч кун қолганда чоп этилади.

“ЭРК” съезди ана шундай тўхмат ва бўхтонлар силсиласида бошланади. Содикжон Йигиталиев, Тошкент бўлими котиби профессор Шоди Каримов ва яна бир неча Президиум аъзолари Мухаммад Солиҳни партия раҳбарлигидан силжитиш тарафдори эдилар. Улар уч ой давомида бутун вилоятларга бориб, “Солиҳсиз янги партия” афзалликлари ҳақида оғиз кўпиртириб, тарғибот қилдилар. Ҳаммаси рисолидагидек бўлаётганди. Ҳукумат Йигиталиев гуруҳи фаолиятдан мамнун эди. Кейинчалик маълум бўлишича, уларнинг барча йўл ва сафар харажатлари ҳам ҳукумат томонидан қопланган бўлиб, вилоятларда уларни маҳаллий ҳокимият вакиллари кутиб ва кузатиб қолишар экан. . .

Йигиталиев гуруҳи ҳам, ҳукумат ҳам муваффақиятдан умидвор эди. Партия съезди 1993 йилнинг 25 сентябрь куни Текстилшик (газламачи)лар саройида бошланади. Унинг Президиумида ҳукумат вакиллари кўр тўкиб ўтиришарди. “ЭРК” тузилгандан бўён бунақаси ҳали бўлмаган эди. . .

Съездни Йигиталиев очади. У Солиҳ тарафдорлари реакциясини билгани учун ҳам уларнинг қарши саволларига яхшигина тайёргарлик кўрганди. Лекин у бир нарсани ҳисобга олмаган эди. Аксар «ЭРК»чилар учун ўз лидерларидан у мамлакатда йўқ пайтда воз кечиш, уни алмаштириш одобдан эмаслигини, бу бориб турган виждонсизлик эканини ўйламаган эди. Бундай пайтда эмоция ва ҳис-ҳаяжон кўп нарсани ҳал қилиши мумкин. Ҳукумат ҳам, Мухаммад Солиҳга қаршилар ҳам айнан шу нарсани ҳисобга олмаганлари боис ютқишишди. Съезд бир овоздан Мухаммад Солиҳни яна партия раиси қилиб сайлади. Ҳатто Йигиталиевнинг ўзи ҳам залдагиларнинг гулдурос қарсақлари таъсирида беихтиёр Солиҳ учун қўл кўтариб, овоз беришга мажбур бўлди. . . Бу ҳукуматнинг тамомила мағлубияти эди.

Энди у “ЭРК”чилардан шафқатсизларча ўч олишга киришади. Партиянинг янги сайланган биринчи котиби Самад Мурод ваҳшийларча калтакланиб, беҳуш ҳолда ахлат қутисига ташлаб кетилади. Съездда иштирок этган икки депутат – Насрулло Саидов ва Имом Файзиевларга жиноий иш очиб, иккаласини ҳам Парламентдан ҳайдашади.

Съездда фаол иштирок этиб, маъруза қилган Эломон Шуқуровни

эса ўша заҳотиёк ҳибсга олиб, ўша ерда ўлдириб юборишди Мухаммад Солиҳнинг съездга йўллаган мактубини ўқиб берган Намоз Нормўмин эса вақтида мамлакатни тарк этгани боис муқаррар ҳибсдан қутилиб қолади.

МУСТАКИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ САЙЛОВЛАРИ

1995 йилнинг бошларида Парламентга илк сайловлар бўлиб ўтади. Бўлғуси депутатларнинг рўйхати аллақачон тайёрланган бўлиб, уни шахсан Президент кўриб тасдиқлаган эди. Бу парламентга ҳукуматга меҳр қўймаган бирорта ҳам депутат сайланмади. . .

ИСТАНБУЛ, ГЕРМАНИЯ, АМЕРИКА

Мухаммад Солиҳ Туркияда ҳукумат мулозимларини дарғазаб қилмай бир йил ҳам яшолмади. Унинг иштироки қисқа муддатда халқаро муаммога сабаб бўлади. Мухаммад Солиҳнинг Европадан кўра Туркияда яшаши ҳам маиший ва ҳам сиёсий жиҳатдан афзалроқ эди. Унинг Туркия сиёсатчилари, зиёлилари ва жамоат арбоблари орасида ҳамфикр дўстлари талайгина эди. Улар демократия тантанаси борасида Солиҳ олиб бораётган кураш тарафдори эдилар ва бу борада ундан қўлларидан келган ёрдамларини аямас эдилар. У Туркияда нафақат шоир ва сиёсатчи сифатида, балки Турк халқларини бирлаштириш тарафдори сифатида ўнг миллатчилар ва сўл тарафдорлар орасида ҳам маълум ва машҳур эди. Ўзи асли шоир бўлган сўл демократлар партияси лидери, Туркия Премьер Министри Булент Ежевит Мухаммад Солиҳ китоби сўзбошисида шундай сўзлар битган эди: “Ғарб сиёсатчилари орасида шоирлар жуда кам, Шарқда эса уларни давлат мулозимлари орасида тез тез учратиш мумкин. Мухаммад Солиҳ – бугунги замонавий Турк сиёсатчи шоирининг мукамал ва типик намунаси!”

Мухаммад Солиҳ ўз шеърларини тоталитар тузум даврида ёзган. Афсуски, бу тузум қайсидир маънода бугунги мустақиллик даврида ҳам давом этаётир. Айни шундай қийин бир шароитда эрк ва озодлик маёқини доимо ёниқ ҳолда тутиб туриш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

(Давоми кейинги бетда)

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бу – ҳақиқий истеъдод соҳибларигагина хос фазиладир! Муҳаммад Солиҳ ўз поэзияси билан курашга даъват этади: Мени ҳаддан зиёд ерга уриб, таҳқиқламаганларида эди, мен осмонга бу қадар сакрамаган бўлардим...”

“Коке сачраябилен бир озан”, Булент Ежевит, Агачлар шаир олса, 1997, Истанбул, Огулен нешрияти). Каримов Солиҳнинг нуфузини яхши билгани учун ҳам Туркиядан уни ушлаб беришни ва ё бошқа мамлакатга чиқариб юборишни қаттиқ талаб қила бошлади.

1995 йилнинг бошида Америка Қўшма Штатлари Миллий Демократик институти ташаббуси билан Ўзбекистонда ҳукумат ва мухолифат мавзуга бағишланган семинар бўлиб ўтади. Унга Франкфуртдан Муҳаммад Солиҳ (“ЭРК”) ва Истанбулдан Абдурахим Пўлатов (“Бирлик”) таклиф этилган эдилар. Шунингдек мазкур семинарда Каримов ҳукумати вакили – Ўзбекистон Адлия вазири Алишер Мардиев ҳам иштирок этади. Семинарда раислик қилган АҚШнинг фавқулоддаги элчиси Нельсон Ледский ўзбек ҳукумати билан мухолифат орасида бирон бир яқинлик топиб, мулоқот бошлашга қанчалик уринмасин, унинг бу самимий ҳаракати барибир натижа бермади.

Ҳар ким аравани ўзича олиб қочарди. Мухолифатнинг ўзъаро келишмовчилиги қалқиб чиккач эса, масала янада чигаллашди.

Мазкур семинар иштирокчиси Алибой Йўляхшиевнинг гувоҳлик беришича, Муҳаммад Солиҳ анжуман бошланишидан олдин Абдурахим Пўлатовдан ички муаммоларни кўтариш ўрнига ҳукумат билан тил топиб, мулоқот ўрнатиш йўллари ва мухолифат лидерларини Ватанга қайтиш масаласига эътибор қаратишни илтимос қилган.

Бирок Пўлатов бунинг ўрнига маърузасининг бошиданок Муҳаммад Солиҳга ташланиб, уни танкид қила бошлаган. Гўёки Солиҳ кайсидир китобида «Болаларни Оллоҳга ишонч ва эҳтиром руҳида тарбиялаш» га даъват этган ва ҳокозо. Бу жуда ҳам ачинарли ва шармандали ҳол эди.

Бунинг устига ўзбек режими вакили ҳам мухолифат ҳақида ҳукумат муносабатини ойдинлаштириш учун тайинли гап айтолмаган. У Америкага гўё бошқа мақсадда келгандек таассурот қолдирган. Каримов Америкага бу вазирдан

бошқа яна бир гуруҳни ҳам йўллаган эди. Бу гуруҳ бошида Президентнинг ишончли маслаҳатчиларидан бири, қачонлардир “Галатепега қайтиш” номли романини дўсти Муҳаммад Солиҳга бағишлаган Мурод Муҳаммад Дўст турарди. Бу гуруҳда Муҳаммад Солиҳнинг яна бир қаламкаш дўсти Эркин Аъзамов ҳам бор эди. Уларнинг иккалови ҳам мухолифатни яраштириш бўйича норасмий мулоқот олиб борар, шу билан бирга улар ўзларининг собиқ дўстлари, эндиликда мухолифатдаги «ЭРК» партияси лидери ва айни пайтда ўзларининг эндиги шефлари Каримовнинг рақиби кўнглига қўл солиб, унинг мақсад ва ниятларини билишга уринар эдилар. Афтидан, бу дипломатия ҳам самара бермади, чоғи. Америкадаги учрашувлардан уч ой ўтар ўтмас ўзбек режими “ЭРК”чиларга нисбатан матбуотда янги қоралаш кампаниясини бошлаб юборди.

“ДАВЛАТ ТҮНТАРИШИ” УРИНИШИДА АЙБЛАШ

Вашингтон ушрашувлари Ўзбекистон ҳукумати учун Америка олдида ўзини мухолифат билан мулоқотга тайёр қилиб кўрсатиш учун керак эди. Бу учрашувдан сўнг ўзбек ҳукумати “ЭРК” партиясини энди чел эл разведкаси ёрдамида оз эмас, кўп эмас – давлат тўнтариши тайёрлашда айблай бошлади. Гўё Туркия унга ҳомийлик қилганмиш.

Давлатни тўнтарувчилар 1994 йилнинг ноябрида ушланган бўлсаларда, лекин бу ҳақда 1995 йилнинг февралигача, юқорида тилга олинган Вашингтон учрашувларига қадар негандир овоза қилинмаган. “Тўнтарувчилар отряди” 11 кишидан иборат бўлиб, улар уч ва тўрт кишилик гуруҳга бўлиниб, Ўзбекистонга тақиқланган “ЭРК” газетасини олиб боришган. Улар осонгина ушланган, ҳолбуки улар яширинмаганлар ҳам. Негаки уйга, ўз Ватанларига қайтаётган эдилар. КГБ уларга шарт қўйган, ё улар ўзларининг Туркияда партизанлик ҳаракатига ўқиганликларини тан олишади, ё қамалишади. Уларнинг баъзилари Ўзбекистон телевизорлари орқали “Истанбулда каратегга ўқиганлигини” тан ҳам олди.

Лекин давлат тўнтаришига бунинг нима дахли бор?

Ҳеч ким бу саволни бермади. КГБ бу “тўнтарувчиларнинг” “гуноҳидан ўтиб” баъзиларини ҳатто милициядан ишга ҳам олди... Ҳукумат матбуоти эса “ЭРК” ва унинг лидерига нисбатан ўз

исботсиз ва ланж хуружини ҳануз давом эттирар эди.

РЕФЕРЕНДУМ

1996 йилнинг январида Президентлик сайловлари бўлиши керак эди. Лекин Каримов уни бекор қилиб, ўз ваколатини узайтириш мақсадида “референдум” ўйлаб топди ва белгилади. Ва бу “референдум” ҳеч иккиланмай, Конституцияни оёқ ости қилиб, унинг ваколатини айтган муддатгача узайтириб берди...

МУХОЛИФАТНИ БИРЛАШТИРИШ УРИНИШИ

1996 йилнинг бошларида – Ўзбекистон Демократик кучлари Форумидан сўнг биринчи маротаба Ўзбекистоннинг собиқ Примъер Министри Шукрилла Мирсаидов мухолифатни бирлаштиришга уриниб кўрди. У “ЭРК” ва “Бирлик” лидерларига ўзи бошчилигидаги Ўзбек Мухолифати Координацион Кенгашини тузишни таклиф қилди. “Бирлик» номидан Абдурахим Пўлатов, “ЭРК” номидан Муҳаммад Солиҳлар бу декларацияни имзолашди.

Ҳамма иш рисоладагидек бораётганди. Ҳамма бир бирини табриқларди.

Не кулфатки, яна ана шундай муҳим бир пайтда бўлиши лозим бўлган ҳол юз берди. Абдурахим Пўлатов 1990 йилларда ҳукумат билан бирга бўлган «ЭРК» партияси энди мухолифат сафига ўтмоқчи деб яна иғводдан иборат мактуб тарқатди. Ҳа, у яна ўз провакаторлик ролини ўйнади ва Муҳаммад Солиҳ бунақанги «мухолифат координацияси» га киришни, табиийки, рад этди...

Орадан бир мунча вақт ўтиб, ҳукумат Шукрилла Мирсаидовнинг олиб қўйган уйини қайтиб берди ва у бунга миннатдорлик эвазига «Озодлик» орқали мухолифатдан чиққанин эълон қилди...

Яна ҳамма нарса ўз измига қайтган эди...

СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ АМНИСТИЯ ҚИЛИНИШИ

1995 йилнинг охири ва 1996 йилнинг бошларида “ЭРК”чи сиёсий маҳбуслар Отаназар Орипов, Сафар Бекжон, Саловат Умурзоқов, Рашид Бекжон (Солиҳнинг укаси) ва Муҳаммад Исломовлар амнистия қилинди. Ўзбекистон Президентини уларни Америка Қўшма Штатларига қилажак сафари олдида амнистия (авф) қилган эди...

(Давоми келгуси сонда)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Табиий бўлмаган нон ичакларда “В” витаминини ишлаб чиқарадиган микробларни сустлаштиради. “В” витаминининг етишмаслиги асаб мувозанатсизлигига ва анемияга йўл очади.

Ачиткили, иссиқ нон бир қанча касаллик ва ичак қуртларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Хамиртурушли нон пишганидан кейин камида 3 соатдан сўнг ейилиши керак. Аммо ачитқисиз ёки табиий ачитқили тандир нонни баъзан иссиқлигида ҳам еса бўлади.

Янги ун қилинган эски бугдой кепagini ажратмасдан арпа ёки нўхот ачитқиси каби табиий ачитқи билан аралаштирилиб, тандирда пиширилган нон танага ҳаёт беради. Хамиртуруш билан ҳам нон қилса бўлади, яъни тайёрланган хамирдан парча олиб қўйилиб, кейинги нон хамирига ачитқи сифатида қўшилади. Унинг хамири кеч шишади. Масалан, кечкурун қилинган хамир эртаси куни эрталаб шишган бўлади.

Нон ҳазмини осонлаштириш учун хамирга седана, занжабил, арпабодийн, зиғир уруғи, кардамон (хил), шивит уруғлари қўшилади. Нон устига кунжут сепилса, бу ҳам мақсадга мувофиқ.

Хамир қилганда турли унлар бир-бирига аралаштирилмаслиги керак, чунки ноннинг ҳазми оғирлашади (бугдой уни жавдар ёки арпа билан аралаштирилиши мумкин). Сариёғ, зайтун ёғи, хайвон ёғи, асал, мураббо ва сабзавот таомлар билан бирга нон ейиш мумкин. Фақат гўшт, товук, балиқ, дон ва сут каби таомлар билан бирга нон ейиш ҳазми қийинлаштиради ва соғлиқка зарарлидир.

Қадимдагилар бугдой ёки арпа унини сув, ёғ ва асал билан аралаштириб, кулча қилиб, пиширмасдан, куёшда қуритиб ейишган. Шу тарзда бошқа таомга эҳтиёж сезмасдан соғлом бўлиб, 100 йилдан кўпроқ умр кўришган.

Аммо бугунги кунда эски бугдой навлари, арпа, жавдар, қора бугдой тарих бўлиб қолди. Уларнинг ўрнига гени ўзгартирилган ва терминатор ген билан қуроллантирилган янги дон турлари келди. Терминатор (қисирлаштирувчи) ген қўшилган бугдойни экиб, ундан кейинги йил учун уруғ олишининг имкони йўқ.

Таркибида кўп микдорда ёпишқон альбумин моддаси бўлган учун гени ўзгартирилган бугдойларнинг (405-550 типларидек) ҳазми оғир кечади. Бу нав бугдой махсулотларини фақат барча дон махсулотларини яхши ҳазм қила оладиган “А” ва “АВ” кон гуруҳларига мансуб кишиларгина ҳазм қила олишади.

Қон гуруҳи “В” бўлганлар бугдой махсулотлари ҳазмида қийналадилар, қон гуруҳи “О” бўлганлар эса ҳазм қила олишмайди.

АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

Қон гуруҳи “О” бўлганларда бугдой альбумини ошқозон пардасини сўяётгандек таъсир қилади, ошқозон кислотасининг кўпайишига, гастрит, яра, Н. Ру-логі инфекцияси, томир тикилиши, ҳарорат билан боғлиқ касалликлар, қонда РН мувозанатсизлиги, аллергия, ревматизм, замбуруғ, астма ва тери касалликларига сабаб бўлади. Унга қўшилган ва нон таркибида қўлланиладиган қўшимча моддалар ва гени ўзгартирилган ачитқи нон зарарини янада орттиради.

Унда ишлатиладиган қўшимча моддалар:

Ёпишишни олдини олувчилар: оксистерин, олеик кислота, глицерин (ёғлардан олинади), амюлаз (чўчка ошқозони, моғор замбуруғи ёки GM бактериялар воситаси билан олинади), цистеин/цистин (одам, чўчка ёки от қилидан ёки GM бактериялар воситаси билан олинади).

Оқартирувчи ва нам тутувчилар: E171 (титандиоксид), E173 (алюминий гидроксид). (“Зехни бошқариш” ва “Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.)

Сақловчилар: аскорбикацит, туз. Шиширувчи: натрий карбонат. Сиқиштирувчи: кальций карбонат (бўр). (“Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.)

Гўшт

Барча хайвонларнинг ёш, эркак, қора ва ёғли бўлганлари танланиши керак. Елка, бел гўштлири билан суякка ёпишган гўшт янада ширин ва энгил бўлади. Ҳар бир хайвоннинг ўнг томонидаги гўшти чап томонидагига нисбатан лаззатли бўлади. Қизил қўйнинг гўшти қораники каби ширин, ҳазми эса янада энгилроқдир. Оқ қўйнинг гўшти энгил, қулранг қўйнинг гўшти эса оғир бўлади. Бир ёшли қора ва ёғли эркак эчкининг гўшти ширин ва энгилдир. Қўзи, улоқ ва бузоқ гўштлири энг яхши ва энг энгил бўлган гўштлирдир. Улоқ гўшти қўзи гўштига қараганда энгилроқ ҳазм бўлиб, ундан оз қолдиқ қолади. Қуритилган гўштининг ҳазми оғир, аммо музлатилган гўшздан яхши. Пайғамбаримиз (с.а.в.) от гўшти ейишга изн берганлар, аммо эшак гўштини истеъмол қилишни ман қилганлар. Аллоҳ таъоло “Анъом” сураси 146-чи оятда “Биз яхудиёларга туёқли хайвонларнинг барчасини ҳаром қилдик. Мол ва қўйларнинг - яғрини, ичаклари ва суякларига ёпишганлардан ташқари - ёғларини ҳам ҳаром қилдик”, дейилади. Яхудиёларга мол гўшти ман қилинганига қўра, уларнинг гўшт ҳазм қилиш қобилияти ҳам чегараланган ёки умуман йўқ. Олимлар қилган охириги тадқиқотлар буни тасдиқламоқда. Ҳақиқатдан ҳам қизил гўштни ҳазм қилишда қийналган ёки

ҳазм қила олмайдиган кишилар борки, улар “А” кон гуруҳига мансубдирлар. Уларнинг ошқозони гўштининг ҳазмини таъминлайдиган кислотани шунчалик кам ишлаб чиқаради-ки, ошқозон қизил гўштни парчалай олмайди.

Масалан, Турк халқининг аксарияти (хусусан, Қораденгиз ва Эга бўлгасида яшайдиганлари) “А” кон гуруҳига мансубдир. Қораденгизлиларнинг кўпчилиги ич ёғи ишлатишса ҳам гўштни хушламайдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Мол ва бузоқ гўшти узоқ вақт ейилса, пес (витилиго), псориаз, мохов, фил (бесўнақайлик) касаллиги ва бошқа кўп касалликларга сабаб бўлади”, деганлар.

Бу оят ва ҳадисдан шу тушунилади-ки ошқозони кам кислота ишлаб чиқарганлар (“А” кон гуруҳига мансуб кишилар) мол ва бузоқ гўштини ҳазм қила олишмайди, фақат ошқозонда чиритишади. Чиритган гўшт қолдиқлари майда томирларни тикиб, саратон (рак), мохов, псориаз, пес (витилиго), варикоз ва фил касаллиги (бесўнақайлик) каби касалликларни келтириб чиқаради.

Шу сабаб қон гуруҳи “А” бўлганлар товук, қурка (индук), каклик ва қўзи гўшти каби энгил ҳазм бўладиган гўштлар ва балиқ ейишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёввойи гўштлирнинг яхшиси жайрон боласи гўшти ва қуён гўшtidир. Қуён гўшти сийдикни кўпайтиради, буйрак ва қовуқдаги тошларни парчалайди (хусусан “В” ва “АВ” кон гуруҳлилар учун фойдалидир). Мол гўшти инсон табиатига қаттиқлик, қўй гўшти эса юмшоқлик беради. Мол, эчки ва туя гўштлирининг ҳазми қийин кечади.

Аммо ошқозони кўп микдорда кислота ишлаб чиқарадиган кишилар (қон гуруҳи “О” ва “В” бўлганларнинг ошқозони) бундай гўштлирнинг энгил ҳазм қилади. Қурбонлик гўшти инсон танаси учун мукамал тозаловчидир. Ичти кетказиши, иссиқликни кўтариш юбориши ва бўғинларни шишириши мумкин. Буларнинг барчаси қурбонлик гўштининг таъсирида юзага келган соғайиш белгиларидир.

Гўшт сўйилганидан уч кундан сўнг қурбонлик хусусиятини, яъни шифо хусусиятини йўқота бошлайди. Балки шу сабабдан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) аввалига қурбонлик гўштини 3 кундан кўп сақлашни ман қилиб, кейинроқ бунга изн берганлар.

Гўшт эшитиш ва кўришни яхшилаиди, ақл ва вужудни кучли қилади. Қовурилган ёки печкада пиширилган гўшт қайнатилган гўшздан қуруқ бўлади. Шунинг учун бундай гўштни кўкатли салат билан ейиш керак. Қалампир, дафна ёки арча барги, саримсоқ, пиёз, занжабил, тоғ жамбули, қоразира билан пиширилган гўштининг озуқа қуввати кўкатлар билан бойийди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)


Гўштни нон билан эмас, кўкатлар билан ейиш керак. Шундай қилинса, гўштнинг ҳазми осон кечади ва гўштни ҳазм қила олмаганларга зарари камаяди. Бир ҳайвоннинг гўшти бошқа ҳайвоннинг гўшти билан ҳам, ёғи билан ҳам аралаштирилмайди. (Сабабини билиш учун “Сут” бўлимига қаранг.)

Гўштли овқат қилинганида гўштни ўз ёғида пишириш энг яхши усул. Чунки гўшт ўз ёғи билан бирга қулай ҳазм бўлади. Гўшт ўз ёғидан бошқа ҳайвон ёки ўсимлик ёғ билан бирика олмайди. Ҳайвонлар ёғи ҳам гўштсиз қулай ҳазм бўлмайди. Сосиска, колбаса каби қайта ишланган гўшт маҳсулотларини ейиш мумкин эмаслигига энг камида иккита сабаб бор.

Биринчи сабаб - бу маҳсулотлар турли ҳайвон гўшти ва ёғлари аралашмасидан тайёрланади. Иккинчи сабаб - барча қайта ишланган гўшт маҳсулотларига қўшимча модда сифатида натрий нитрит ва натрий сульфит қўшилади. (“Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.) Ҳайвон ёғи, хусусан, ич ёғлари ва қуйруқ ёғи таом ва дори тайёрлашда, суякларни эса шифоли шўрвалар тайёрлашда ишлатилади. Кузда ва қишда - гўшт ейиш, баҳор ва ёзда - емаслик соғлиқ учун фойдали. Соғлом киши ҳафтада 1-3, ҳатто 5 мартагача гўшт ейиши мумкин. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Шубҳасиз гўшт таомларнинг сайидидир”, деганлар. Аммо Пайғамбаримизнинг (с.а.в.): “Узоқ муддат гўшт ейиш ва гўшт шўрвасини ичиш қайғу беради, қалбни қаттиклаштиради”, деганлари ҳам маълум. Гўштнинг тури билан бирга ҳайвоннинг қандай сўйилгани ҳам муҳим. “Аллоҳ сизга ўлакани, қонни, тўнғиз гўштини ва Аллоҳдан бошқасининг номи билан сўйилганларни ҳаром қилди”. (“Бақара” сураси, 173).

Аллоҳ (ж.ж.) бу наҳийни Қуръоннинг бир неча жойларида такрорлайди. Электрошок бериб, кейин сўйилган ҳайвоннинг гўшти ўлакса ҳайвон гўшти билан баробардир. Фақат сабаблари ҳар хил. Бу шаклда сўйилган гўштнинг зарарини тушуниш учун қуйидаги мисолни келтириш мумкин: мукаммал ускуналар билан анжомланган бир шаҳарни тасаввур қилинг. Шаҳарнинг мудофаа тизими кучли, биргина компьютер билан бошқарилаётган бўлсин. Миллионлаб кимёвий ва биологик токсин ишлаб чиқарадиган, генетик мутацияга учраган, ақл бовар қилмайдиган бутун қуроқлар бу компьютерга боғланган бўлсин. Бу шаҳарни эгаллашни хоҳлаган ақлли киши, мудофаа тизимининг маркази бўлган компьютер билан мудофаа ускуналари орасидаги боғланишни кесиб, шаҳарни, унга зарар бермасдан, барча гўзалликларини билан қўлга киритади.

АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР



Аммо ақлсиз киши тўғридан-тўғри компьютерни портлагишга уринади. Оқибатда, компьютер бузилиб, унга боғлиқ асбоблар бошқарувсиз қолиб,, шаҳар халқи жойлашган жойлар ҳаробага айланади. Халқ заҳарланиб, шишиб, ақлдан озиб ўлади, яраланади. Ва ишғолчиларнинг қўлида расвоси чиққан ҳароба, соғлиққа хавф солган, ўликларнинг лошига тўлган шаҳар қолади.

Бу мисолда компьютернинг боғланиш жойини кесганлар тўғри ҳаракат қилди. Бу мисолни мавзуга тадбиқ қилсак, қассоб мияга кетган жон томир ва асабларни кесиб йўли билан ҳайвоннинг қонини оқизади. Бу ҳолда мия қонсиз қолиб бир онда ўлади, ҳеч қандай реакция бермайди. Аммо юрак қон ташқарига отилгунича ишлашда давом этади ва шу тарзда ҳайвоннинг гўшти қонда аралашган ва гўштни заҳарлаган барча моддалардан тозаланади. Электрошок бериб, сўнгра сўйилган ҳайвоннинг гўштига келсак, электрошок ҳайвоннинг юрагини тўхтаганида ёки даҳшатли аритмияга судрайди, аммо мия ишлашда давом этади. Мия баданни тирик сақлаш учун безларни кўп миқдорда турли гормон ишлаб чиқаришга йўналтиради. Қон ҳаракатсиз бўлгани учун ичидаги токсин, гормон, қолдиқ, микроб, сассик газларни суяк ва бўғинларга, гўштга сиздиради. Шу тарзда гўшт ўлакса хусусиятини олади. Юқорида кўрганимиз каби, Аллоҳ (ж.ж.) мол гўштини фақатгина яҳудийларга манъ қилган, аммо ўлакса, қон ва тўнғиз гўштини барча инсониятга ман қилган. Олимларнинг изланишларидан ҳеч бир жамиятда тўнғиз гўшти учун ҳазм тизими бўлмагани маълум. Ҳар бир ҳайвоннинг ҳазм тизими ўзига хос бўлиб, ризки учун махсус яратилган. Шу сабабдан, ҳайвонлар фақат ўзларига хос ризкларни ҳазм қила олишади. Табиий озиқланган ҳайвон соғлом бўлади, унинг гўшти, ёғи, суякларини тоза бўлади. Аммо бугунги ҳайвонлар фабрикаларда тайёрланган гормон, антибиотик, сунъий протеин, витамин ва бошқа GM таркибли

қўшимчалар қўшилган емлар билан ва гени ўзгартирилган маҳсулотлар билан озиқланмоқда. Ҳатто вақти ўтиб кетган, бузилган ва аралаш таом қолдиқлари, вақти ўтган чипс, печенье, кекс, шакар ва шунга ўхшаш нарсалар бозорлардан йиғилиб, ҳайвонларга ем сифатида берилмоқда. Натижада, инсон каби касалланган ҳайвонлар, инсон каби оғир даволанишни бошламоқда. Даволанган ҳайвон гўшти, ёғи, суякларини юқорида айtilган фойдалардан маҳрум бўлиб, соғлиқ учун хавф туғдирмоқда. Шу сабаб, суяк, ёғ, жигар, буйрак, юрак ва миясини истеъмол қилаётганда юқоридаги ёмон таъсирларга учрамаган ёш ҳайвоннинг гўштини танлаш керак. Клонланган ҳайвонларнинг гўшти ва сути илк бор 2007 йил баҳор ойларида АҚШ бозорларида сотила бошланди. Бу ҳайвонларнинг гўшт ва сути анчадан бери баъзи учинчи дунё давлатларида арзон нархларда сотилаётган эди. Расмийлар клонланган мол, чўчка ва эчкилар мавзусида бераётган баёнотларида бундай ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар ҳар қуни истеъмол қилинаётган нормал озиқ-овқатлар билан айна сифатдалиги ва уларнинг ҳеч бир зарари йўқлигини айтишмоқда. Шунинг учун клонланган ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар (гўшт, сут ва ёғлари) бозор ва дўконларда бемалол сотилмоқда. Устига-устак, олимлар бу маҳсулотларнинг этикеткасида уларнинг қай йўл билан олинганини ёзиш шарт эмаслигини айтишмоқда. Клонланган ҳайвонлар устида иш олиб бораётган олимлар йиллар давомида ранг берувчи, аромат, ширинлаштирувчи, гўшт ўрнига синтетик протеин каби сунъий озуқаларни истеъмол қилиш мумкинлигини ва синтетик таомларнинг инсонларга ҳеч қандай зарари йўқлигини илгари суришмоқда. Холбуки, натижалари бутунлай тадқиқ қилинмагани учун бу маҳсулотларнинг берадиган моддий зарари ханузгача аниқ эмас. Фақат маънавий зарари маълум: “Нисо” сурасининг 118-119 оятларида айtilган усул билан этиштирилган ҳайвонларнинг гўшт ва сути ҳаромдир. (“ГМО” бўлимига қаранг.)

ОЙДИН СОЛИҲ
“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош